

Индонезияда Шарқий Осиёдаги энг қадимий Қуръони каримнинг босма нусхаси намойиш этилди



15:00 / 27.04.2019 2345

Индонезияда Шарқий Осиёдаги энг қадимий Қуръони каримнинг босма нусхаси намойиш этилди

Индонезиянинг Жанубий Суматра провинцияси маркази Палембанг шаҳридаги “Жоме” масжидада жанубий-шарқий Осиёдаги энг қадимий босма Қуръони карим намойиш этилди.

Палембанг шаҳридаги “Жоме” масжидада қадимий қўлёзмалар кўргазмаси очилди. Бу ҳақда ignanews.ru “Thejakartapost” га таяниб ахборот беради.

Қайд этилишича, ушбу Қуръони карим 1848 йилда Индонезияда Голландия ҳукмронлиги даврида жанубий-шарқий Осиёда литографик босма машинаси яратилгандан сўнг чоп этилган. Мутахассислар буни ушбу минтақада энг қадимий босма Қуръони карим деб таъкидламоқдалар.

“Кўрғазмада намойиш этилаётган экспонатлар ушбу минтақада асрлар давомида маданий ўзгариш рўй берганлигини кўрсатмоқда, – дейди адабий танқидчи Аҳмад Субҳон. – Хусусан, ушбу Қуръоннинг иккита нусхаси мавжуд бўлиб, бири Абдул Азим Аминнинг шахсий тўпламига, иккинчиси эса Палембангдаги Султон Маҳмуд Бадр ад-Дин II музейига тегишли”.

Шунингдек, Байтул-Қуръон тарихчилари 1848 йилда чоп этилган Қуръоннинг бу нусхасини жанубий-шарқий Осиёдаги энг қадимий босма Қуръонга мос келишини ва бу нусха Палембангда полиграфия пайдо бўлган жанубий-шарқий Осиёдаги илк Мусҳафлардан бири эканлигини таъкидлашади.

Маълумот ўрнида шуни айтиб ўтиш лозимки, Палембанг шаҳри Индонезияда 1,5 миллион аҳолига эга бўлган еттинчи йирик шаҳардир.

***Islom.uz* портали таҳририяти**